

Имом Деҳлавийнинг «Ат-Тафҳиймот»идаги ширкнинг баъзи навларининг таърифи | Ақийда дарслари (282-дарс)



19:00 / 17 июнь 1187

- 1. Ибодатда Аллоҳ субҳанаҳу ва таолога ширк келтириш**, яъни Аллоҳ таолога қурбат ҳосил қилиш ёки охиратда нажот топиш мақсадида Аллоҳдан бошқани улуғлаш.
- 2. Ёрдам сўрашда Аллоҳга ширк келтириш**, яъни менга нажот беришга қудрати етади, деган эътиқодда бирортадан ёрдам сўраш. Дардга шифо бериш, тирилтириш, ўлдириш, ризқ бериш, фарзанд бериш ва шунга ўхшаш Аллоҳнинг исмларини ифодалайдиган, У Зотнинг иродасига боғлиқ нарсаларни бошқадан сўраш.
- 3. Зикрда Аллоҳга ширк келтириш**, яъни Аллоҳдан ўзгани охиратда ёки Аллоҳга қурбат ҳосил қилишда фойда беради деб ўйлаб, суннатда жорий қилинган саноқлар ила эртаю кеч Аллоҳни зикр қилганидек зикр қилмоқ. Баъзиларнинг тонг отганда шайхларини зикр қилишига ўхшаш.

Шунинг учун ҳам Набий алайҳиссалом: **«Зикрнинг афзали «Лаа илаҳа иллаллоҳ»**, дедилар. «Муҳаммадур-Расулуллоҳ» иймоннинг бир бўлаги бўлса ҳам, зикрда уни зиёда қилмадилар. Чунки иймон бошқа нарса, зикр бошқа нарса. Худди шунингдек, фаришталарга иймон келтириш лозим, лекин уларни зикр қилиш ибодат эмас.

4. Сўйишда Аллоҳга ширк келтириш, яъни бир ҳайвонни, ушбу ҳайвонни сўймасам, ҳожатим кушойиш бўлмайди, деб Аллоҳдан бошқага атаб сўйиш ёки олиҳаларга атаб ўз ҳолига қўйиб юбориш.

5. Назрларда ва қасамларда Аллоҳга ширк келтириш, яъни Аллоҳдан бошқанинг исми шарафига ёки уни илоҳийлаштириб, ўзига бир ишни қилмоқни вазифа қилиб олиш. (Бу ўша Аллоҳдан ўзганинг исмидаги шараф учун, ўша исм эгасида қандайдир илоҳийлик бор, деб эътиқод қилгани учун бўлади). Ёки аввал айтилганидек, Аллоҳдан бошқанинг исми ила қасам ичиш. («Ат-Тафҳиймотул Илоҳийя» 2-жилд, 23-24-бетлар).

Ақийдатут Таҳовия шарҳининг талхийси» китобидан

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 5 октябрдаги 03-07/7619-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.